



Paxta seleksiyasi, urug'chiligi va
yetishtirish agrotexnologiyalari
ilmiy-tadqiqot instituti



"QISHLOQ XO'JALIGI ILMINI RIVOJLANTIRISHDA AYOLLARNING O'RNI"



XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO‘JALIGI VAZIRLIGI

**QISHLOQ XO‘JALIGIDA BILIM VA INNOVATSIYALAR
MILLIY MARKAZI**

**PAXTA SELEKSIYASI, URUG‘CHILIGI VA YETISHTIRISH
AGROTEXNOLOGIYALARI ILMIY-TADQIQOT INSTITUTI**

**“QISHLOQ XO‘JALIGI ILMINI RIVOJLANTIRISHDA AYOLLARNING
O‘RNI” mavzusidagi
Xalqaro ilmiy-amaliy simpozium materiallari
TO‘PLAMI**

**МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ
РОЛЬ ЖЕНЩИН В РАЗВИТИИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ
НАУКИ**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE
THE ROLE OF WOMEN IN THE DEVELOPMENT OF AGRICULTURAL
SCIENCE**

Toshkent -2024

UO'S: 244.234.424.20

КВК: 40.24(5Ў36)

Ушбу тўпламда бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган етакчи олималар ва тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари, эришган муваффақиятлари ҳамда инновацион технологияларидан унумли фойдаланиб, самарали натижаларга эришилган илмий хулосалар ўз аксини топган. Мамлакатимиз ва хорижлик олималар томонидан олиб борилаётган қишлоқ хўжалигида биологик хилма-хиллик, ресурстежамкор ва рақамли технологиялар бўйича илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш ва 11-феврал Халқаро илм-фанда аёллар ва қизлар куни муносабати билан белгиланган вазифаларнинг амалий ечимлари баён этилган.

В данном сборнике приведены результаты и научные выводы ведущих ученых женщин и исследователей, работающих в аграрной сфере, а также по эффективному использованию инновационных технологий в сельском хозяйстве. Представлены результаты научных исследований отечественных и зарубежных ученых в области биоразнообразия, применения ресурсосберегающих и цифровых технологии в сельском хозяйстве и их внедрение в производство, а также практические решения задач, поставленных в связи с празднованием 11 февраля Международного дня женщин и девочек в науке.

МАЪСУЛ МУҲАРРИРЛАР:

Академик Намазов Шадман Эргашович

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Рашидова Дилбар Каримовна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Хасанова Фирюза Маруповна	ПСУЕАИТИ қ.х.ф.н., профессор
Юсупова Махпуза Нуғмановна	АҚХАИ қ.х.ф.д., профессор
Халикова Малохат Бабамурадовна	ПСУЕАИТИ қ.х.ф.д., профессор
Даминова Диларом Магрибжановна	ПСУЕАИТИ б.ф.н., кат.и.х.
Негматова Сурайё Тешаевна	ПСУЕАИТИ қ.х.ф.д., кат.и.х.
Тунгушова Дилбар Абдукаюмовна	ПСУЕАИТИ қ.х.ф.д., кат.и.х.
Каримов Шарофиддин Абдукаримович	ПСУЕАИТИ қ.х.ф.д., кат.и.х.
Мамедов Нормухаммад Марданович	ПСУЕАИТИ қ.х.ф.д., кат.и.х.
Шарипов Шухрат Тулкинович	ПСУЕАИТИ қ.х.ф.д., кат.и.х.
Якубов Музаффар Матякубович	ПСУЕАИТИ қ.х.ф.д.
Бакирова Анастасия Александровна	ПСУЕАИТИ қ.х.ф.д.
Садикова Озода Хаётжон қизи	ПСУЕАИТИ таянч докторант
Алимова Зарина Музаффар қизи	ПСУЕАИТИ таянч докторант

Халқаро конференция тўпламидаги мақолаларнинг холисона ёритилганлиги, келтирилган тадқиқот маълумотлари ва илмий натижаларнинг хулосаларига асосланганлиги бўйича масъулият муаллифлар зиммасида.

ISBN: 978-9910-743-26-9

“Fan ziyosi” nashriyoti, 2024

посеянного под пленки от вредных организмов //Автореф. канд. дисс./М. Юсупова–Ташкент. – 2001.

11. MN, Yusupova, and B. Z. Nosirov. "Control Of Cotton Pests On Stubble Lands." *International Journal of Applied* 10.2 (2015): 99-108. Yusupova M. N., Gapparov A. M. Biological Method Of Plant Protection In Uzbekistan //The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering. – 2020. – Т. 2. – №. 11. – С. 29-32.

УЎК. 633.11; 632.9; 632.95

КУЗГИ БУҒДОЙ ЭКИНИДА САРИҚ ЗАНГ КАСАЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАРҚАЛИШИ

Юсупова Василя Тўхтаниёзовна магистр.,
Амиркулов Отабек Сайдуллаевич к/х.ф.ф.д. катта
илмий ходим

Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти
Кашкадарьинская область г. Карши почта индекс: 180100,
Беишкент йўли 3 км.



Аннотация. Ушбу мақолада кузги бошоқли дон экинларига зарар етказадиган замбуруғли касалликларидан сариқ занг касаллигини Сурхандарё вилояти туманларида JPS-аппарати ёрдамида сариқ занг касаллигини кордината нуқталарини аниқлаш бўйича маълумотлар тўлиқ кўрсатиб ўтилган.

Калим сўзлар: Бошоқ, фунгицид, микдор, зарари, касаллик, замбуруғ, сариқ занг, буғдой, кордината, нуқта, биологик, самарадорлик, экин, кузатув, мониторинг.

Сариқ ва қўнғир занг касалликларини келтириб чиқарувчи *Puccinia striiformis f. sp. tritici* ва *Puccinia triticina* замбуруғлари Республикамиз буғдой майдонларда кенг тарқалган бўлиб, охириги йилларда ғалла ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига катта зарар етказмоқда. Замбруғ фақат ўсимликнинг тирик тўқима ёки хужайрасида яшай олади ва шу сабабдан ҳам ушбу патоген маданий ғалла экинлари ва ёввойи ғалладош экинларнинг яшил тўқимасини касаллантиради.

Қишлоқ хўжалигида ҳар доим долзарб бўлиб келаётган буғдойнинг занг касалликларига чидамли навларнинг камлиги туфайли касалликларнинг зарари 50-60% ни ташкил қилмоқда (Романенко.А.А., Беспалова Л.А., Кудряшов И.Н., Аблова И.Б. 2005 й.). Ғалла майдонларида занг касалликлари эрта (тупланиш-найчалаш даврида) пайдо бўлиб, байроқ барг чиқариш пайтига келиб, ўсимликлар кучли зарарланишига олиб келади (А.Аманов, Н.Умиров 2006 й.). Сариқ занг касаллиги ирқларининг мутацияга учраши натижасида янги ирқларининг пайдо бўлиши натижасида ҳосилдорликка жиддий зарар келтиради. Шу сабабли, касалликларига қарши курашда фақат

кимёвий усуллардан эмас, балки селекцион усуллардан ҳам фойдаланиш самарадор ҳисобланади (Д.Жўраев 2017 й.).

Қишлоқ хўжалигида ҳар қандай касалликка қарши курашнинг энг самарали, арзон ва атроф-муҳитга хавфсиз бўлган экологик усули бу чидамли навни экишдир. Бу борада занг касалликларини доимий мониторинг қилиш ва уларни вирулентлик таркибини ўрганиш ғаллачилик учун катта илмий-амалий аҳамиятга эгадир. Бу, ўз навбатида, кузатув ва лаборатория таҳлилларига асосланган ҳолда занг касалликларига қарши курашда занг касалликларининг генларини аниқлаш ва самарали генлардан фойдаланиш имкониятини беради ва албатта ушбу тажрибалар натижалари республикамиз ғаллачилигида занг касалликларига қарши кураш олиб боришда юқори самара беради.

Сурхандарё вилояти туманларида буғдойнинг сариқ занг касаллиги билан зарарланиши ва уларни тарқалиш координата нуқтасини хариталаш бўйича мониторинг ишлари амалга оширилди. Жумладан; Жарқўрғон тумани бўйича кузги буғдой майдонларида мониторинг кузатув таҳлил натижаларига кўра, Шимолий узунликда ўртача 37°58.2130'N, 37°58.1940'N, 37°58.1940'N, 37°58.1950'N, 37°58.3810'N кўрсаткичларни ўзида намоён қилди.

Шарқий кенгликда ўртача 67°48.8920'E, 67°48.8600'E, 67°48.8600'E, 67°48.8620'E, 67°48.8600'E кўрсаткичларни ташкил этганлиги намоён бўлди. Буғдойнинг туплаш даврига келиб денгиз сатҳидан 432-459 км баландликда сариқ занг касаллиги билан зарарланиши мониторинг ўрганилганда ушбу координата нуқталарида буғдой ўсимлигида замбуруғли сариқ занг касаллиги аниқланмади.

Турли буғдой навларининг найчалаш ўсув дарида замбуруғли касалликларидан сариқ занг касаллигини ривожланиши ва касалланиш даражасини махсус JPS-аппарати ёрдамида координата нуқталарини белгилаш учун жорий йилнинг 11-март кунида Сурхандарё вилоятининг Шўрчи ва Жарқўрғон туманларида мониторинг кузатув ишлари олиб борилди (1-жадвал).

Сурхандарё вилоятининг Шўрчи тумани бўйича кузги буғдой майдонларида мониторинг кузатув таҳлил натижаларига кўра, Шимолий узунликда ўртача кўрсаткичи 37°20.1430'N, 37°23.7290'N, 37°56.2590'N, 37°56.9780'N, 37°58.4920'N координата нуқтасини аниқлаш, Шарқий кенгликда ўртача 67°24.6120'E, 67°26.1920'E, 67°42.3220'E, 67°42.3410'E, 67°43.7870'E, 67°43.7860'E, 67°45.4750'E кўрсаткичлари маълум бўлганлиги кузатилди.

Турли бугдой навларининг тушлаш ва найчалаш фазасида сариқ занг касаллигини ривожланиши ва касалланиш даражасини махсус JPS-аппарати ёрдамида кордината нукталарини аниқлаш бўйича мониторинг кузатувлари.

(Сурхандарё вилояти туманлари мисолида 11.03.2023 й.). 1-жадвал

Туманлар	Шимолий узунлик	Шарқий кенглик	Денгиз сатхидан баландлиги	Кузатув олиб борилган кун	Ўсимлик ривожланиш фазаси	Касаллик	Касалланиш даражаси %
Шўрчи	37°20.1430'N	67°24.6120'E	265.6	11.03.2023	Найчалаш	Сариқ занг	20
Шўрчи	37°23.7290'N	67°26.1920'E	359.9	11.03.2023	Найчалаш	Сариқ занг	30
Шўрчи	37°56.2590'N	67°42.3220'E	407.3	11.03.2023	Найчалаш	Сариқ занг	20
Шўрчи	37°56.2390'N	67°42.3410'E	412.4	11.03.2023	Найчалаш	Сариқ занг	10
Шўрчи	37°56.9780'N	67°43.7870'E	422.7	11.03.2023	Найчалаш	Сариқ занг	40
Шўрчи	37°56.9810'N	67°43.7860'E	420.8	11.03.2023	Найчалаш	Сариқ занг	40
Шўрчи	37°58.4920'N	67°45.4750'E	448	11.03.2023	Найчалаш	Сариқ занг	40
Шўрчи	37°58.4920'N	67°45.4760'E	447.5	11.03.2023	Найчалаш	йўқ	-
Шўрчи	37°57.9680'N	67°46.7820'E	419.4	11.03.2023	Найчалаш	Сариқ занг	30
Шўрчи	37°57.9680'N	67°46.7810'E	426.4	11.03.2023	Найчалаш	Сариқ занг	20
Шўрчи	37°57.8980'N	67°46.7210'E	402.9	11.03.2023	Найчалаш	йўқ	-
Шўрчи	37°57.9030'N	67°46.7250'E	416.4	11.03.2023	Найчалаш	Сариқ занг	50
Шўрчи	37°57.5540'N	67°48.1040'E	416.7	11.03.2023	Найчалаш	Сариқ занг	10
Шўрчи	37°57.5530'N	67°48.1060'E	418	11.03.2023	Найчалаш	Сариқ занг	50
Жарқўрғон	37°58.2130'N	67°48.8920'E	411.2	11.03.2023	Найчалаш	йўқ	-
Жарқўрғон	37°58.2130'N	67°48.8920'E	411.3	11.03.2023	Найчалаш	Сариқ занг	10
Жарқўрғон	37°58.1940'N	67°48.8600'E	411.6	11.03.2023	Найчалаш	Сариқ занг	30
Жарқўрғон	37°58.1950'N	67°48.8620'E	411.5	11.03.2023	Найчалаш	Сариқ занг	10
Жарқўрғон	37°58.3810'N	67°49.0290'E	431	11.03.2023	Найчалаш	Сариқ занг	20
Жарқўрғон	37°58.3820'N	67°49.0300'E	430.7	11.03.2023	Найчалаш	йўқ	-
Жарқўрғон	37°59.5070'N	67°48.8880'E	434.8	11.03.2023	Найчалаш	йўқ	-

Институтда амалий лойиҳа иш дастурига кўра, хулоса ўрнида шуни таъкидлаш ўтиш жоизки, Республикамизнинг Сурхандарё вилояти шароитида шимолий узунликда ўртача координат нуқталари 39.00319., 39.00319., 39.00344 кўрсаткичларни, шарқий кенгликда ўртача 065.64228, 065.64262., 065.64289 кўрсаткичлар маълум бўлди. Денгиз сатхидан 438-439 км баландликда буғдойнинг туплаш ва найчалаш даврларида сариқ занг касаллиги билан зарарланмаганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Аманов.А., Н.Умиров. “Определение вредности желтой ржавчины по анализу F2 гибридов от скрещивания устойчивых образцов с восприимчивыми” // “Суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологиясининг муаммолари” Республика илмий-амалийеречия тўплами. – 2006 й. – Самарқанд. 19-20 июл. – Б. 86-88.

2. Романенко.А.А., Беспалова Л.А., Кудряшов И.Н., Аблова И.Б. “Новая сортовая политика и сортовая агротехника озимой пшеницы” // КСНИИСХ – Краснодар. – 2005 г. – С. 234.

3. Жўраев.Д.Т. “Сариқ занг касаллигига чидамли навларни танлаш” // “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлашнинг қишлоқ хўжалиги, экология ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишни ривожлантиришдаги ўрни”. Республика илмий анжумани мақолалар тўплами – Қарши. – 2017. – Б. 322-323.

УДК 633. 16; 633.256

АРПА ЎСИМЛИГИНИНГ ДЕХҚОНЧИЛИКДАГИ ЎРНИ.



**Юсупова Васи́ла Тўхтаниёзовна магистр.,
Сарманов Шерзод Шермахматович к/х.ф.ф.д. катта
илмий ходим**

*Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти
Кашкадарьинская область г. Қариш почта индекс: 180100,
Бешкент йўли 3 км.*

Аннотация. Ушбу мақолада Сифатли (пиво, перловка ва бошқа озиқ-овқатбоп) арпа навларини етишмаслиги жаҳон коллекция намуналаридан фойдаланган холда, маҳаллий нав ва намуналарни жаҳон коллекциялари устида селекция ишлари олиб борилиб бошланғич манбалар ажратиб олиш.

Калит сўзлар: Арпа, дон, селекция, дўрагайлар, нав, намуна, манба, сифат, оксил, натура, ҳосилдорлик, касаллик, чидамлилиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020—2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853 сон